



ТОШКЕНТ ШАҲРИДА COVID-19 ИНФЕКЦИЯСИНИНГ ТАРҚАЛГАНЛИГИ ВА ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРА- ТАДБИРЛАРИ

Ёкубов К.Ё.¹, Расулова Д.М.², Расулов Ш.М.³

^{1,2,3} Тошкент тиббиёт академияси эпидемиология кафедраси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5830517>

МАҚОЛА ТАРИХИ

Qabul qilindi: 20-Dekabr 2021
Ma'qullandi: 25-Dekabr 2021
Chop etildi: 30-Dekabr 2021

KALIT SO'ZLAR

коронавирус, Covid-19,
пандемия,
эпидемиология, аҳоли
гуруҳлари, Тошкент
шаҳри.

ANNOTATSIYA

мақолада коронавирус касаллигининг Тошкент шаҳри туманлари бўйича, жинс ва ёшлар орасида тарқалганлиги таҳлил қилинган.

COVID-19 коронавирус инфекцияси SARS-CoV-2 келтириб чиқарадиган потенциал оғир ўткир респиратор касаллик бўлиб, ушбу инфекция касаллик илк бор Ухан шаҳрида (ХХР) 2019 йил декабр ойида аниқланган. 30 январ куни Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (БЖССТ) янги коронавирус инфекциясининг тарқалишини халқаро миқёсида соғлиқни сақлаш соҳасидаги фавқулдда ҳолат деб тан олди [1,2,6]. 2020 йилнинг 11- февралда ушбу касаллик янги коронавирус касаллиги (COVID-19) деб номланди [7]. Код ХКТ-10 - U07.1 COVID-19. Ушбу коддан клиник белгилар ёки симптомларнинг оғирлик даражасидан қатъий назар, COVID-19

лаборатор тасдиқланганда (ПЗР+) фойдаланилади.

2020 йил 11 март куни БЖССТ томонидан COVID-19 нинг тарқалиши пандемияга айланганлиги эълон қилинди [3,5,11,12]. Касалликларни назорат ва профилактика қилиш марказининг (CDC) маълумотларига кўра, пандемия бошланганда COVID-19 янги коронавирус инфекцияси ҳолатлари болаларда унчалик кўп бўлмаган ҳамда умумий популяциядаги ҳолатларга нисбатан кам қайд этилган. 2020 йил 20 феврал ҳолатига кўра, Хитой Халқ Республикасида 75465 та тасдиқланган ва гумон қилинган ҳолатларидан 2,4% 19 ёшгача бўлганларга тўғри келган [10].



Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотларига кўра, биринчи ҳолат қайд этилганидан (2020 йил 16 мартдан) 20 октябргача COVID-19 коронавирус инфекцияси 9571 нафар болаларда қайд қилинган, бу умумий касалланганларнинг 15% ни ташкил қилган.

Эпидемиологияси: SARS-CoV-2 вирусининг табиий манбаси - бу кўршапалаклардир. Вируснинг қўшимча манбаси кўршапалакларни ейдиган сут эмизувчилар бўлиб, кейинчалик одамлар орасида тарқалади [12]. Филогенетик тадқиқотлар, кўршапалаклардан олинган штаммлардаги вирусларнинг геномлари кетма-кетлиги COVID-19 бўлган беморлардан ажратилган вируслар билан 99% ҳолатларда бир хиллигини кўрсатди [8].

Ҳозирги вақтда инфекциянинг асосий манбаи бу касал одам, шу жумладан касалликни инкубацион даврида бўлганлар. Мавжуд бўлган маълумотларга қараганда, бемор касаллик аломатлари пайдо бўлгандан кейин дастлабки 7 кун мобайнида юқумли ҳисобланади. Инфекциянинг юқиш йўллари: ҳаво – томчи йўли билан (йўталиш, аксириш, гаплашганда); маиший – мулоқот орқали: қўл, сув, озиқ-овқат ва патоген билан ифлосланган уй-рўзғор буюмлари [6,8,9]; вирусларни қўллардан кўзнинг, бурун ва оғиз бўшлиғининг шиллиқ қаватларига ўтказиш хавфи ҳам исботланган; Нажас-оғиз механизми ҳам бўлиши мумкин


(SARS-CoV-2ни юқтирган беморлар нажаси намунасида касаллик чақирувчи аниқланган).

COVID-19 коронавирус инфекцияси ўта хавfli юқумли касалликлар гуруҳига киритилган бўлиб, ҳозирги кунда муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга касаллик ҳисобланади. Касалланиш 2020 йилдан бошлаб пандемия шаклида бутун дунёга тарқалди ва 2021 йилнинг декабр ойига келиб ушбу касаллик 222 та давлатларда эпидемия шаклида қайд этилмоқда. Касалликнинг олдини олишда профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирлар амалга ошириш бугунги кун тиббиётининг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Мақсад: Тошкент шаҳрида COVID-19 коронавирус инфекциясининг тарқалганлигини таҳлил қилиш ва олдини олиш чора-тадбирлари.

Тадқиқот материаллари: Тошкент шаҳар Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармасининг расмий ҳисоботлари, беморларнинг касаллик тарихлари ва эпидемиологик сўраб суриштириш натижалари.

Тадқиқот натижалари: Тошкент шаҳар бўйича 06.06.2021 йил ҳолатига кўра жами 14413 нафар беморлар рўйхатга олинган бўлиб, 100 минг аҳолига нисбатан 510,2 ташкил этди. Касалланиш кўрсаткичларини тошкент шаҳар туманлари кесимида таҳлил қилганимизда қуйидаги натижаларни олдик (1-расм).




1-расм. Тошкент шаҳар туманлари бўйича коронавирус инфекцияси билан касалланганлар таҳлили (06.06.2021)

Тошкент шаҳар туманларидан энг юқори кўрсаткичларни 100 минг аҳолига нисбатан М. Улуғбек (746,8) ва Бектемир (726,5) туманларида аниқланди. Касалланишни бу туманларда кўп учрашининг сабаблари: М. Улуғбек тумани шаҳар маркази ҳисобланиб аҳоли зич жойлашган, турли ташкилотларнинг иш офислар сони кўп. Бектемир туманида ишлаб чиқариш

корхоналари кўп бўлиб, у ерда ишчиларнинг жамоавий касалланганлиги аниқланди (1-расм).


Жами касалланган 14413 нафар беморларни эркак ва аёллар ўртасида тақсимланишини таҳлил қилганимизда 6372 нафарини (44,2%) эркаклар, 8041 нафарини (55,8%) аёллар ташкил қилган (2-расм).



2-расм. Тошкент шаҳар бўйича жами касалланганларнинг эркаклар ва аёллар ўртасида тақсимланиши (06.06.2021)

Коронавирус (Covid-19) касалликнинг тарқалишида эпидемиологик нуқтаи назардан жинсларнинг аҳамияти йўқ, лекин эркакларга нисбатан аёлларда кўпроқ учрашининг сабаблари: аёлларнинг бир-бири билан кўриши, аҳоли зич жойларда аёлларнинг кўплиги ва аёллар ўртасида йиғинларнинг кўп бўлиши билан изоҳланди.

Касалликнинг олдини олиш ва профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқишда касалланганларни ёш гуруҳлари бўйича таҳлили муҳим эпидемиологик аҳамиятга эга. Шунинг учун касалланганларнинг ёш гуруҳлари (3-расм) ва ижтимоий гуруҳлар (1-жазвал) бўйича таҳлил қилганимизда қуйидаги натижаларни олдик.



3-расм. Тошкент шаҳар бўйича жами касалланганларнинг ёшлар бўйича тақсимланиши (06.06.2021)

Таҳлил натижаларига кўра энг кўп 60 ёшдан катталар орасида учраганлиги аниқланди, бу ёшда организмнинг иммунитет ҳолати, касалликларга қарши курашиш кучи пасаяди. Кейинги

ўринларда аҳолининг энг актив (20 - 59 ёш) ёшдагилар ўртасида кўп учраган, чунки бу ёшдагилар жамоат жойларида ишлайди ва касалланганлар билан мулоқотда бўлиш эҳтимоли юқори.

1-жадвал

Тошкент шаҳар аҳолиси ўртасида коронавирус инфекцияси билан касалланганларни ижтимоий келиб чиқиш таҳлили 2021 йил 06 июнь ҳолатига кўра

					Ишсиз						Жами
--	--	--	--	--	-------	--	--	--	--	--	------



Уюшмаган	Уюшган	Мактаб, лицей ўқувчилари	Олий-гоҳ	Уй бекаси		Корхона ташкилот ва бошқа муассасалари ходимлари	Чет эл фуқароси	Ҳарбий хизматчи ва ИИБ ходими	Ўқитувчи	Тиббий ходимлари	МТТ ходимлари	
739	190	1742	646	4359	2298	3208	54	70	555	409	69	14413
5,1	1,3	12,1	4,5	30,2	15,9	22,3	0,4	1,0	3,9	2,8	0,5	100%

Энг кўп касалланганлар уй бекалари (30,2%) ва корхона ташкилот ва бошқа муассаса ходимлари (22,3%) ўртасида аниқланди. Корхона ташкилот ва бошқа муассаса ходимлари орасида кўп учрашининг асосий сабаблари бир бинода бир неча кишиларни ишлаши ва бир-бирлари билан мулоқотининг кўплиги билан изоҳланди.

Касалликни олдини олиш чоратадбирлари:

- Ишловчи ходимлар иш жараёнида ҳимоя кийимлари, ниқоб ва қўлқоп билан ишлаши талаб этилади. Ишлатилган ҳимоя кийимларини ҳар куни зарарсизлантириш талаб этилади ва уйдагилар ушбу анжомлар билан мулоқотда бўлмасликлари шарт.

- Санитария гигиена, шахсий гигиена чора тадбирларига қатъий риоя этиш.

- Озиқ овқат маҳсулотларини қайноқ сувда ювиб истеъмол қилиш.

- Овқатланишдан олдин ва кўчадан келганда қўлларни доимо кир совун билан ёки махсус санитар геллар билан ювиб туриш.

- Тирик ҳайвонларни сотиш жойларида, гўшт ва гўшт маҳсулотлари билан савдо қилувчи жойларда, намлиги юқори бўлган савдо жойларида

мунтазам равишда дезинфекция ишлари олиб борилиши талаб этилади.

- Юқори нафас йўллари ўткир касалликларига чалинган беморлар ва улар билан мулоқотда бўлганлар касаллик юқишининг олдини олиш мақсадида тиббий ниқобдан фойдаланишлари керак ва ниқоб кунига 3 марта алмаштирилиши шарт.

Жамоа йиғиладиган жойларига бормай туриш, оч қолмаслик, ўз вақтида овқатланиш, оқсилга, витаминларга бой маҳсулотларни истеъмол қилиш керак.

Хулоса. Юқоридаги маълумотлардан келиб чиққан ҳолда янги коронавирус 2019 йилнинг охири ойларида Хитойнинг Хубей вилоятида тарқалишни бошлаган. Орадан 2 йил вақт ўтибдики касаллик кўзғатувчисининг янги штаммлари пайдо бўлиб, бутун дунё бўйлаб тарқалиши давом этмоқда.

Ҳозирги кунда касалликнинг олдини олиш мақсадида коронавирусга қарши эмлаш кўпгина давлатларда, шу жумладан, бизнинг республикамизда ҳам амалга оширилмоқда. Эпидемияга қарши олиб борилаётган чоратадбирларга қарамасдан касалликнинг тарқалиши тўхтагани йўқ, шунинг учун карантин қоидаларига тўғри риоя этиш



ва аҳоли орасида тушунтириш ишларини кучайтириш лозим.

Шундай экан бугунки таҳликали вазиятда вакцинация касалликка қарши ишончли курашиш йўли эканлигини билишимиз ва мутахассислар фикрига амал қилишимиз лозим. Вакцина танада

касалликка қарши иммунитетни ишлаб чиқишга кўмак берувчи хавфсиз ва самарали восита саналади. Касаллик пайдо бўлганидан кейин уни даволашдан кўра, эмлаш орқали касалликларнинг олдини олиш мақсадга мувофиқдир.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. COVID-19 билан касалланган беморларни даволаш бўйича вақтинчалик кўрсатмалар. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги. 8 версия (30.08.2020), 2020.
2. Азизов Б.С., Хегай Т.Р., Агзамходжаева С.С., Рустамова Х.М., Магзумов Х.Б., Аюпова Ш.Т., Салимова И.У., Лапасов О. Клинико-патогенетические аспекты течения Covid 19 в Республике Узбекистан // *Medicine and innovations* | №1, 2021 - С.14-16.
3. Брико Н.И., Каграманян И. Н., Никифоров В. В., Суранова Т.Г., Чернявская О.П., Полежаева Н.А. /Пандемия COVID-19. Меры борьбы с ее распространением в Российской Федерации.
4. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) коронавирус Covid-19 га шубҳа қилинган оғир респиратор инфекцияларини даволаш мезонлари (БВСС - (COB) Вақтинча қўлланма, июль 2020 йил.
5. Кочерова В.В., Игнатъева А.В., Панченко А.С. COVID-19 и новорожденный ребенок: опыт забайкальского края // *Забайкальский медицинский журнал*, № 2, 2021 – С.30-35.
6. Серговец Л.А. ва муаллифлар. Янги коронавирус Covid-19 нинг диагностикаси, даволаш, профилактикаси (методик қўлланма) Москва – 2020 й. 48-бет.
7. Технические руководящие указания ВОЗ. Наименование заболевания, вызванного коронавирусом (COVID-19), и вирусного возбудителя. [https://www.who.int/ru/emergencies/diseases/novel-coronavirus-2019/technical-guidance/naming-the-coronavirusdisease-\(covid-2019\)-and-the-virus-that-causes](https://www.who.int/ru/emergencies/diseases/novel-coronavirus-2019/technical-guidance/naming-the-coronavirusdisease-(covid-2019)-and-the-virus-that-causes).
8. Туйчиев Л.Н., Алматов Б.И., Матназарова Г.С., Миртазаев О.М., Нишонов А.А. Коронавирус инфекциясининг этиологияси, эпидемиологияси, клиник хусусиятлари, даволаш ва олдини олиш чора-тадбирлари. (услугий қўлланма). Тошкент 2020.
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларга салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. 2020 йил 19 мар,т ПФ5969-сонли.
10. Kelvin Kai-Wang To, Owen Tak-Yin Tsang, Wai-Shing Leung, et al. Temporal profiles of viral load in posterior oropharyngeal saliva samples and serum antibody responses during infection by SARS-CoV-2: an observational cohort study. *The Lancet*. Published: March 23, 2020 DOI:
11. Report of the WHO-China Joint Mission on Coronavirus Disease 2019 (COVID-19). World Health Organization (24 февраль 2020).



12. Yong Zhang, Cao Chen, Shuangli Zhu, Chang Shu, Dongyan Wang. Isolation of 2019-nCoV from a Stool Specimen of a Laboratory-Confirmed Case of the Coronavirus Disease 2019 (COVID-19) (англ.) // China CDC Weekly. - 2020-02-01. - Vol. 2, iss. 8. - P. 123- 124. - ISSN 2096-7071.